
Ижро ҳужжатлари бўйича тарафлар судга таклиф этилди

Ижтимоий тармоқлар орқали фуқаро Ф.Кабировнинг ижро иши таъминланмаётганлиги ҳақидаги мурожаати ўрганиб чиқилди. Аниқданишича, фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг 11.03.2019 йил кунги ижро ҳужжатида асосан ундирувчи Ф.Кабирова фойдасига қарздор М.Кабировнинг ноқонуний фойдаланишида бўлган низоли Бешариқ тумани Х.Олимжон МФЙ, Дехқон бозори ҳудудидаги 30,0 кв.м ер майдонида жойлашган дон маҳсулотлари омбори ҳамда қарздор М.Кабировнинг ноқонуний фойдаланишида бўлган Бешариқ тумани Файзиобод МФЙ, О.Водий кўчасидаги 42,14 кв.м майдонда жойлашган тижорат савдо дўконини ўзини фойдаланишига олиб бериш тўғрисидаги ижро ҳужжати Бюронинг Бешариқ туман бўлими иш юритувида номаълум сабабларга кўра йўқолганлиги сабабли, 17.06.2022 йилда Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 43-моддасига асосан ФИБ Ўзбекистон туманлараро судидан ижро ҳужжатидан нусха (дубликат) олиш учун ариза тақдим этилди. ФИБ Ўзбекистон туманлараро судининг 17.06.2022 йил кунги хатига асосан ижро ҳужжатидан нусха (дубликат) бериш учун тарафлар 22.06.2022 йил куни соат 15:00 га суд биносига чақиртирилганлиги маълум бўлди.

2022-07-01 09:32:09